





Кишлоқ инфратузилмаси

Наманганда вилоят номи билан аталадиган бир туман бор. Худудига қадам қўйишнинг билан, унинг ўзига хос белгилари — шарқона нақшлар билан безатилган рамилий дарвозаси, кун сайин ободонлашадиган кишлоқлари кўча ташланоти. Одамлари меҳнатсевар, танти, табиркор. Муस्ताқиллик йилларида, айниқса, туман маркази — Тошбулоқ кийфаси шаҳар билан болашгудек даражада ўзгариб кетди.

— Қаловини топса бўларкан-ку. Мутасаддиларнинг отасига раҳмат! Шаҳарчамаида «Ешлар маркази»ни ишга туширишди-ю, жонимиз ором топди, — дейди меҳнат фахрийси Хамидулла Сотиболдиев. — Авваллари қоронги тушиш дегунча «Болалар қаёқда юрибдикми?», дея хавотиримиз ошарди. Бола бари-бир бола-да. Улар томоша-гоҳда ташкил этилган талбирлар билан банд бўлди-қолди. Айниқса, ҳафтанинг ўртасида ўтказилаётган «Чоршанба оқшони»да бирам яйрашадими, кўриб, беиктиёр ёшликка қайтнинг келди.

Отаҳон айтаётган талбирлар шу йил баҳорда фойдаланишга топширилган «Ешлар маркази»нинг 3000 ўринли томошагоҳда уюштирилган. Ҳокимият, Халқ демократик партияси ва «Камолот» жамағасининг туман бўлими сайёҳаракатлари билан кўнгилли ўтаётган «Чоршанба оқшони»да йигит-қизлар қонунчилик, иқтисодий ислохотларнинг бориши, дунё янгиликлари, малайият, маърифат мавзудида сўхбатлар, мароқли концертлар маънавий озуқа олишмоқда.

— Биргина бу эмас, ўйингоҳимизга бориб кўринг, — гапта қўшлади туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Зокиржон Бойдадав. — Кўпчилик бир бўлиб, ўн беш минг ўринли бу ўйингоҳни бир йилга қолмай битказдик. Узиям 50 миллион сўмлик иш бажарилди. Хўжалик, корхона, ташкилотларимизга балли! Ҳаширда бел болаб туриб бериши улар. Мана, роҳатини кўришяпти.



— Бу ишлар, албатта, таҳсинга лойиқ. Тошбулоқ ҳар холда туман маркази. Кишлоқларда не гап? — Мен гапирганим билан ишонмасиз. Яхшиси, биргаллик кишлоқларни айланайлик. Тасаввур ҳосил қиласиз-

минг киши истиқомат қиладиган Ирвадон кишлоғига йўл олдик. Бу кишлоқ фуқаролар йигини худудига мактаб, боғча, яслилар, иқтисодий-юридик лицей, вилоят болалар шифохонаси, дорихона ва бошқа муассасалар аҳли-



ЁШАРАЁТГАН ТОШБУЛОҚ

ЁШАРАЁТГАН ТОШБУЛОҚ

қўйасиз. Ҳозирча эса мана бу далилларга эътибор беринг — ён дафтарчасини арақлаб, сўзида давом этади Зокиржон. — Туманимиз шаҳар ва кишлоқларида ўтган 70 йил ичиде атиги 74 километрлик табиий газ тармоғи тортилган экан. Қаранг, шуноқ ёнгина-миздан магистрал газ қувури ўтган бўлса-да, ўчоққа қўнган осиб, ўтин ёқибмиз. Истиқ-долдан сўнг кишлоқ хонадонларига ҳам нур кирди. Саккиз йил мобайнида 387 километрлик юқори ва ўрта босимли газ қувурилари тортидди. Энг чекка кишлоғимиз — Элатанга ҳам бултур «зангори олов» этиб борди. Газлаштириш даражаси 77 фошдан ошди. Оз эмас-а? Ёки ичимлик суви таъминотини олиб кўрайлик. Унинг тармоқлари 1991 йилдаги 130 километрдан 347 километрга узайди. Бошқа йўналишдаги ишлар ҳам жадвал давом этаётди. Масалан, шу йилнинг саккиз ойида 2 та қишлоқ шифокорлик пункти, 814 квадрат метр савдо майдони, 500 ўринли ошхона, 7 маийши зимат шохобчаси фойдаланишга топширилди. Шундан сўнг ўн саккиз

хизматиде. — Бугунги кунларни кўриб, завқланиб кетаман-у, бўлганимиз гап эсимга тушаварамди, — дейди шу кишлоқлик кекса демажон Зокиржон уй қўриб кўриб. — Худудимизда Ғирвон деган кишлоқ бор. Одамлари ҳазил-мутойбага ўч. Бундан 40-50 йиллар аввал ғирвонлик бир киши хотини билан шаҳарга меҳмонга борибди. Кечкурун уяқўга ётишдан олдин у электр чирогини ўчиришни билмай, роса оворе бўлибди. Охири, эри хотинига маҳсининг бир пойини тутқазиб, лампочкага қийдиришни буюрибди.

Ана шундай кишилар авлодлари хонадонда бутун нафақат электр нури, балки табиий газ, ҳатто ҳаммомгача муҳайё. Эрта-индин эса кишлоғимизда 900 ўқувчига мўлжалланган касб-хўнар коллежга қурилиши бошланади.

Ирвадондаги сингари хайрли ишлар, ободончилик юмушлари туманинг барча қишлоқларида баравар давом этаётди. Одамлар бу борада фақатгина давлатнинг марказ-

лашган маблағлари ёки хўжалик, ташкилотларнинг пуллага қараб қолмасдан, ўзлари ҳам баҳоли қўлат ёрдам қўлини чўшияпти. Айниқса, талбиркор ва ишбилармонларнинг кўмагидан кўпчилик хурсанд. Улар кучи билан кишлоқларда 15 та маҳалла гузары барпо этилди. Аҳолининг бўш вақти кўнгли-ли ўтадиган бу масканларда маийши хизмат тармоғидан тортиб, тиш дўстиригача бор.

— Жуда қизиқ замонларни кўрдик-да, — сўзини давом эттиради Анормирза ота. — Ҳалол меҳнат қилиб топган пулинга қаттарок нарсани ҳам сотиб оломасдинг. Янгирок машина миниб, мунайроқ уй қўриб кўри-чи, орқандан одам тушиб, «ўраниш»ни бошларди. Энди-чи? Қўли узун кишилар сони қанча қўнайса, қишлоққа шунча фойда. Мана, шундоқ ёнгинадаги Ровустон кишлоғида Мубошер Юнусов деган талбиркор яшайди. Бу йилнинг ишларида бугун ҳамма қойил қолган. У рўзгоридан орттириб, маҳаллада қаттарок гузар қурди. Маийши хизмат мажмуҳидан иборат бу жойда сартароҳона, косибчилик, автомобилларга техник хизмат қўратиш, мураккаб рўзгор техникасини таъмирлаш устаноналари, гўшт дўқони, ошхонагача мавжуд. Умридан барака топсин, Мубошер гузар ёнида маҳалла фуқаролар йигини идораси учун шинингана бино ҳам қўриб берди. Кўпчиликка хизмат қилиш шунчалик бўлар-да.

— Туманда қурилиш қўлами йил сайин кенаяётгани кўришиб турибди. Уларга тош, гипс, ёғоч, цемент деталлари сув билан ҳаводек

зарур. Бундай қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда аҳвол қандай? Улар эҳтиж-ни қоллашяптими? — қизиқиб сўрайман 3. Бойдадавдан.

— Бу масалада кўнглимиз тўқ, Ювилган қумдан бошлаб йирик девор ва том ёпиш плиталарига ҳам ўзимизда тайёрланади. 3-хўжалиқсвара механизациялашган қўча колонна ва «Лаззат» хусусий фирмасида барча турдаги темир-бетон буюмлари ҳамма шунда тайёрланади. «Навбахор» жамоа хўжалиғида эса ёғочни қайта ишлаш цехи фаолият қўрсатмоқда. «Самарқанд» жамоа хўжалиғидаги гипс заводи ҳам жонимизга оро қияпти. Унинг ҳудудлари билан йилга 6 миллион дона маҳсулот чиқди. Яқинда хусусий талбиркор Маҳмуджон Тожибоев ҳам 3 миллион дона гипс тайёрлаш қўуватига эга бўлган корхона қурилишини бошлаб юборди.

Булар — ҳоким ўринбосарининг гаплари. Унга қўшимча қўлиб шунга айтиш мумкинки, талбиркор ва ишбилармонлар бинокорлик материаллари таъминотини яхшилашда яқиндан кўмак бермоқдалар. Хусусан, шу йилнинг ўзиде «С-АС» хусусий фирмаси четдан 350 минг АҚШ доллари миқдориде қурилиш ашёлари келтирган. «АКА», «СПМ» фирмалари олиб келган 30 минг АҚШ долларига тенг металл қувурлар эса табиий газ ва ичимлик суви тармоқлари тортишда асқотди.

Муस्ताқиллик тўғрисида қалдини тиклаган халқимиз турмушдаги ўзгаришлар Наманган туманида амалга оширилган ярагувчилик ишларида ҳам шу каби ўз аксини топмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПИД (ОИТС) — XX аср вабоси, инсоният олдиде турган оғриқли масалалардан биридир. Бу бедаво касаллик бутун дунё муаммосига айланиб бормоқда. Маълумотларга кўра кунига 16 минг киши ана шу даҳшатли касалликка мубтало бўлади. Фоживе шундаки, бу хасталик беғуноқ, беғубор болаларни ҳам ўз домига тортмоқда.

САЛОМАТЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Республика ёшларининг «Камолот» жамағаси ташаббуси билан БМТнинг Ўзбекистондаги викалотхонаси, республика ОИТС маркази ҳамда Дерматология ва венерология институту ҳамкорликда 1 декабр Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишланган семинар-йиғилишини ўтказди. Мазкур семинарда республикада фаолият юритиётган бир қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари, тиббиёт институтининг 40 дан зиёд талабалари, радиов ва телевидение ходимлари ва телевидение ходимлари иштирок этишди. Ушбу семинар-йиғилишдан кўзда тутилган асосий мақсад тиббиёт институти талабаларига ОИТСнинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил тушунтириш ва талабаларнинг тенгшоҳ тизими орқали ўз тенгқуларини ушбу масалага жалб қилиб, ОИТСга қарши курашувчи ёшлар сонини кўпайтиришдан иборат.

Раҳмон АЛИ.

ЯНГИЛИККА ЎЧ ОДАМЛАР

Булқобони туманидаги машина-трактор парки давлат хиссадорлик жамағини усталари турли русумдаги техника воситалари учун эҳтиёт қисмларни шу ернинг ўзиде тайёрлашни йўлга қўйдилар. Бу билан улар машина-тракторлар ҳамда тирков агрегатларнинг узлуқсиз ишлашини таъминламоқдалар.

— Меҳнат унумдорлиги ҳам кескин кўтарилди, — дея ҳикоя қилади устакхона бошлиғи Ғайрат Камолтов. — Ҳар бир ишловчининг янгилик яратишга бўлган иштироки, ишта бўлган муносабати кескин ўзгарганини жамоага фойда келтирмоқда. Чунончи, Абдулатип Жаалов етказилишдаги техника илҳосмандлари боғда хизмат қўрсатишга мўлжалланган, эндиликда қўтилган самара бермай қўйган ПК-3 судратма комбайнини бирмунча ихчамлаштиридилар. Натияжада у кичик комбайн ҳолига келтирилди. Янги машинанинг кунлик ишунуми анча юқори бўлмоқда. Техника илҳосмандлари ана шу янгилик ҳисобига 100 минг сўм миқдориде пул муқофоти билан тақдирланди.

Пайванчи Шукрулло Холматов билан чилантар Исроиқжон Ортиқовлар ҳам яқинда бугун ва менерал ўғит сепадиган мосламани тақомиллаштиришди. Улар ишта яроқсиз бўлиб қолган пахта териш агрегатларининг деталларига «қайта ҳаёт» бағишладди. Жамоа кўзиде экиш масумини бошланиши олдида хўжаликларга 20 та ана шундай мослама етказиб бермоқчи. Шунингдек, бир гуруҳ ишбилармонлар икки қаторли, гузапония юлувчи тиркама тайёрлашни ҳам ўзлаштиришди. Бундан ташқари усталар узоқ муддат ишлашга тайёрланган дон ўрувчи комбайнини беда ўриш ва сомон тўлаштиришга мослаштиридилар.

О. ШОДИМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

локал ахборот-хисоблаш тармоқлари учун жиҳозлар етказиб беришга ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таклифлар 1999 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларини Давлат солиқ қўмитасининг моддий таъминот бошқармасидан олишингиз мумкин: Манзил: Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 96. Ички телефон 251.

ДИҚҚАТ! 1999 йил 27 ноябрь соат 10.00да ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН

қуйидаги ёнилғи қўйиш шохобчаларини чет эл инвесторларига сотиш бўйича танлов ўтказилади:

Table with 4 columns: 25-сонли АЁҚШ, 83-сонли АЁҚШ, Кўрсаткичлар, Маълумотлар. Rows include Soxa, Худуд, Хуқуқий манзили, Эгаллаган майдони, Ёнилғи тарқатиш колонкаларининг сони, Бошланғич нархи.

Инвестиция танловига шошилин!

- Инвестиция танлови шартлари: 1. Нарх бўйича таклифлар. 2. Сотиб олинган АЁҚШ фаолияти йўналишини сақлаб қолиш. 3. АЁҚШ харидорининг Шахсий АЁҚШлар ассоциацияси аъзолигига кириш мажбурияти. 4. Аҳолига сотиш учун юқори сифатли ёнилғи-мойлаш материаллари (бензин, дизель ёнилғиси, мойлар) билан узлуқсиз таъминлаш ва: - Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган «Хусусийлаштирилган шахсий АЁҚШларнинг ишлаши тўғрисидаги муваққат Низом»га; - Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 7 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги 382-сонли қарорига; - Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сонли қарори билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш ва расмийлаштириш тартиби»га амал қилиш ва сўзсиз бажариш. 5. Инвестиция бўйича таклифлар (эркин муомаладаги валютада) билан АЁҚШни эстетика ва хизмат қўрсатиш маданияти, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва техник таъминоти бўйича жаҳон стандартлари даражасига реконструкция қилиш мажбурияти. 6. Санитария-маийши, ёнгинга қарши ва экологик талабларни, шунингдек, аҳолига хизмат қўрсатишининг юқори даражасини таъминлаш. 7. Аҳолига қўшимча хизматлар қўрсатиш (мой алмаштириш, автомобилларни кичик таъмирлаш, автоэҳтиёт қисмларини сотиш бўйича минимаркет ва ш.ў.) 8. Бошқа таклифлар.

Маълумотлар ва инвестиция танловини ўтказиш шартлари бўйича Давлат мўлки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилиниши. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 13-ўй, 2-қават, 33-хона. Тел.: 144 60 51.

мактабини очди. Дастлаб катта қийинчиликлар билан ташкил этилган рус-тузем мактаблари сони секин-аста қўлайиб, бошқа шаҳар ва вилоятларда ҳам очила бошлади. Шу йилларда ташкил этила бошлаган жадид мактаблари рус-тузем мактаблари билан рақобатда иш олиб бориб, ўқиш-ўқитиш услубини ва бу мактабларда ўқитиладиган фанларни қайта қўриб чиқди. Рус империяси ва унинг маориф тизимига хос бўлган нуқсонларини очиб ташлади. 1906 йили Нижний-Новгородда бўлиб ўтган III Бу-

Аммо, на чора, бу фикрнинг тарафлари оз. Бас, охишта кетишдан бошқа йўл йўқ. Катталаримиз ва муаллимларимизга ҳам ар қилуришимиз, ёшлардан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан махрум эттирмайсунлар. Ешлар истадилурларки, миллатта ва халқ омма-сига хизмат этсалар. Аларнинг айби шулким, ичлари тор. Ол-димида иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқ-далурлар. Такрор ар қилуриш-диклар, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак... Алар биз таълим-тарбия ишини шу руҳда олиб бормасак, туркистонликларга на ҳуррият қолур, на-да мухторият берилур...

по этилаётган янги жамият-миз гоилари билан бойитишга боғлиқ. Шу кеча-кундузда республика-мида олиб борилаётган ишлар орасида Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига қўзғал тутилган масалаларга айтиш устивор аҳамияти эгидир. Аввало шунга таъкидлаш жоизки, ушбу дастурни тайёрлаш жараёнида барча тараққий этган мамлакатларнинг шу соҳадан иқобий тажрибалари муаммалар ўрганилди, бу мамлакатлардаги таълим таъминотини ибратли жиҳатлари эълбоғга олинид ва айни пайтда таълимнинг янги, «ўзбеко-на» модели ишлаб чиқилди. Қадрлар тайёрлаш миллий

лаб чиқаришдан узилиб, иқтисодий муаммоларини ҳал қилишининг ўткинчи майдонларида умргузаронлик қилмоқда. Миллий дастурни тўлиқ амалга ошириш жараёнида шунга ўқшаш ҳолатларни ҳам эътиборда тутиш, уларга маънавий ва маърифат муаммолари билан шуғуланувчи жамоат ташкилотларининг диққат эътиборини анадда қўчайтириш ҳозирги даврнинг мўҳим масалаларидан бирини ташкил этади.

Ўзбек тили араб ёзуви-дан воз кечиб, лотин, кейин эса кирилл ёзувиге ўти-ши муносабати билан араб ёзувидаги адабий меросдан фойдаланиш имконияти секин-аста йўқолганидек, 40-90 йилларда кирилл ёзуви-да чоп этилган бадий ва илмий адабиёт ҳам ўлик меросга айланиб қолмаслиги лозим. Ҳозирги но-ширлик тажрибаси шунга кўрсатадики, бадий ва ил-мий китоблар адаби бундан кейин қисқарибгина қолмай, бир пайтлар харидор-ғир бўлган кўнлаб китоблар-ни қайта нашр этиш илож-сиз ҳам бўлиб боради. Ана шундай шароитда кўзи лотин ёзувиге ўрганиб бора-ётган авлод факультатив тар-зда кирилл ёзувини ҳам эгаллаб бориши шартдир.

Жадидчилик ҳаракати кенг қулоч ёган йилларда маърифат ва маърифатпар-вар сузлари фаол тарқалиб, халқнинг маърифатпарвар кишиларга бўлган ҳурмат ва эътибори юз чандон қўнай-ган эди. Бугун ҳам маъри-фат ва маърифатпарвар сузларининг салмоғи, бу сузлардан таралаётган ёду кун сайин ошиб ва ортиб бормоқда.

Бугун маънавий ва маъри-фат аҳлини ёзозлаш, маърифатли авлодларни тар-биялаш ва маърифатли жа-мийнни барпо этиш ҳар би-ринимизнинг вазифамиздир.

Наим КАРИМОВ, Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти раиси.

КЎРКИМИЗДИР

турроссия мусулмонлари курултойи жадида маърифат-парварларнинг кейинги фаолиятига самарали таъсир ўтказди. Курултой қарорла-рига кўра, бошланғич таъ-лим ҳар икки жансдаги мусул-мон болалари учун мажбурий хисобланади. бошлан-ғич мактабларни барча мусул-мон қишлоқларида очиш зарур, деб топилди.

Маҳмудўжа Бехбудий, Абдулла Аллонинг, Мунав-вар қори Абдурашидов, Ис-роқжон Ибрат, Сиддиқий-Азизий, Саидрасул Азизий, Абдуқурий Шакурний син-глари жадидлар татар эларлар-и билан ҳамкорликда Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида усули жадид мактабларини очиб, бу мак-таблар учун ўқув қўлан-маларини яратдилар.

М. Бехбудийнинг бу сузла-ри жадида мактаблари олдига ҳуррият учун курашга тайёр ёшларни тарбиялаш вазифаси қўйилганидан дарак беради.

Янги маърифий дастур Совет давлати 30-йилларда ҳам, 60-йилларда ҳам Америка-га етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш широнини ўртага ташла-ди. Аммо, пиروвардида, Аме-рикадан яшаш даражаси бўй-ича ҳам, фан ва техника ютуқ-лари бўйича ҳам йилдан-йил-га узоқлашиб борди. Орада Япония, Корея сингари мам-лакатлар кўп соҳаларда собиқ Советлар мамлакатидан ўзиб кетдилар.

Бугунги кунда муस्ताқил Ўзбекистон олдига турган му-ҳим вазифалардан бири жаҳон-нинг илмий-техник тараққие-ти ва турмуш даражаси юксак бўлган мамлакатларига етиб олиш ва улар билан бир сафда боришидир. Бу гоит мураккаб вазифа ёшлар — келажак месь-морларини тарбиялаш, улар-га замонавий билим асослари-ни бериш, уларни янги тех-нологиялар билан «қуроллан-тириш», улар тафаққурини бар-

дастурининг асосий мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, унинг совет давридан қолган мафкура сарқиларидан тула халос этиш, ривожланган демократик давлат даражасида, юксак маънавий-ахлоқий та-лабларга жавоб берувчи юқори малакали қадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Қадрлар тайёрлаш тизими-нинг асоси узлуқсиз таълим-дир. Узлуқсиз таълим ижодкор, иқтимоний фаол, маънавий бой шахсининг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош қадрларнинг илдам тайёрла-ниши учун зарур шарт-шароит-ларни яратеди.

Шубҳасиз, Миллий дастур-нинг қабул қилиниши ва ишта тушуши билан олам гулистон бўлмайдди. Дастур олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш билан жуда кўп ютуқларга эришиш мумкин. Табиийки, бу жараёнда янги-янги қийинчиликлар келиб чи-қиш эҳтимоли йўқ эмас. Ҳозирги иқтисодий шароит — ўтиш даврида халқимизнинг маърифатга муносабатини қў-чайтириш, китобсеравнинг даражасини оширишга ҳаракат қилиш лозим. Ёшларнинг бир қисми таълим тизими ва иш-

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ушш миляй чемпионатида XXIX тур учрашувлари бўлиб ўтди. Чемпионатда пешқадамлик килатган «Дўстлик» жамоаси ўз майдонид...

«ДЎСТЛИК» — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

Иккинчи бўлимининг бошидан яна майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар ва ниҳоят, эллик олтинчи дақиқада Алишер Бозоров мекмонлар дарвозасига түпни йўллаб, ҳисобни очинишга муваффақ бўлди. Бир дақиқа ўтартўмас, мекмонларнинг қарши ҳужуми ҳам самарали яқунланди. Фахрат Одилов жаоб түпни киритиб, ҳисобни тенглаштирди (1:1). Сунгра яна Алишер Бозоров мекмонлар дарвозасига бир түп киритиб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқиди. Етмиш олтинчи дақиқада эса Фарид Хабидуллин учинчи түпни мекмонлар дарвозасига киритиб, ҳисобни ўзгартирди. Мекмонлардан Мирҳоллишов ҳам «Сўнгги дақиқаларда яна бир жаоб түпни уришга муваффақ бўлди. Натижада кизикари...



Толғат ЮСУПОВ.

СПОРТ

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ ОСИЁНИ ЗАБТ ЭТДИ

Пойтахтимизда ўтказилган бокс бўйича XX Осий чемпионати ниҳоясига етди. Айтиш мумкинки, бир ҳафта давом этган ушбу мусобақалар мамлакатимиз нуфузини яна бир поғона кўтарди. Қолаверса, ушбу мусобақани ўтказиш учун айнан Ўзбекистон бежиз танланмаган эди. Кейинги йилларда боксчиларимизнинг эришадган ютуқлари юртимизда Осий чемпионатини ўтказиш учун замин яратди.

Барча бокс мухлисларининг нигоҳи бир ҳафта давомда муҳташам «Юнусобод» спорт мажмуида бўлиб ўтган чемпионат ўйинларига қаратилди. Шанба куни, айниқса, бу ерда ҳар қачонгидан кўпроқ мухлислар түпланишган эди. Улар финал ўйинлари ва мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимининг гувоҳи бўлишди.

Финал учрашувларида Ўзбекистон (7 та), Қозғистон (7 та), Қирғизистон (3 та), Корея (2 та), Филиппин (2 та), Таиланд (2 та) ва Хитой (1 та) боксчилари иштирок этди. Дастлабки учрашув 48 кг. вазн тоифасида Дилшоҳ Йўлдошев (Ўзбекистон) ва Рундон Суван (Таиланд) ўртасида бўлиб ўтди. Қизикари ўтган жангда вакилимиз 14:9 ҳисобида галаба қозонди. Шундан сўнг филиппинлик Арлан Ларио ва кореялик Тае Кве Ким рингга чиқдилар. Ушбу жангда кореялик боксчи 7:5 ҳисобида ютди. Яна бир вакилимиз Алишер Раҳимов қирғизистонлик Галабек Қалдыбега қарши баҳс юриб, 12:2 ҳисобида галиб бўлди. Вакиллариимиздан бошқа бири Тўлқин Турғунов эса қозғистонлик Бекзат Саттархановни 8:1 ҳисобида мағлуб этди. 63.5 кг. вазнлилар ўртасидаги жанг вакилимиз, АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати галиби Муҳаммадқодир Абдуллаев билан коре...



Нуржан Каримжонов (Қозғистон) — Ларри Семилано (Филиппин) 6:5; Данияр Мунайбаев (Қозғистон) — Янгпхонок Парпком (Таиланд) 3:5; Ермачан Ибрагимов (Қозғистон) — Нурбек Касанов (Қирғизистон) 12:1; Владислав Визилтер (Қирғизистон) — Абдураҳмон (Хитой) 7:12.

Шундай қилиб, ўзбек боксчиларидан 7 нафари Осийни забт этди. Энг қувонарлиси, ушбу чемпионат галиблари Силнейда 2000 йилда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш имконига ҳам эга бўлишди.

Мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросимида ўзбек спортининг ёрқин юлдузларида зарбон түн ва дўппиллар тақдим этилди. Мамлакатимизда ўтказилган ҳар бир нуфузли мусобақада матбуот марказлари ташқил этилиб, мамлакатимизда фаолит кўрсатётган журналистлар ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари беллашувларни матбуот орқали...

тезорлик билан ёритиб бордилар. Бокс бўйича ўтказилган XX Осий чемпионатида ҳам 220 нафар журналист акрилатишдан ўтган эди. Чемпионат ўйинларини нафақат мамлакатимиз журналистлари, балки Хитондистон, Қозғистон, Таиланд, Япония, Хитойлик телевидение ва газета журналистлари ёритиб боришди.

Фарҳод УСМОНОВ, Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

«Ўзқспомарказда ташқил этилган Италиянинг «Экспо Италия-99» савдо кўргазмаси ниҳоясига етди. — Табдирида Италиянинг 140 дан ортик фирмалари томонидан намоиш этилган италянча либослар ҳамда уй-рўзгор буюмлари ҳамюртларимизда катта таассурот қолдирди, — деди савдо-кўргазма маркази директори Бахтиёр Ирматов. — Бундан ташқари, кўргазмадан ўрин олган түкмаочилик ва озик-овқат сонаотида ишлашадиган техник асбоб-ускуналарнинг ҳам харидорлари кўпайиб қолди. Мазкур кўргазма Ўзбекистон-Италия иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу кўргазманинг аҳамиятли томони шундаки, италияликлар Ўзбекистонда биринчи бор кенг миқёсли савдо-саноат экспозициясини намоиш қилишди. «Туркистон-пресс».

Advertisement for 'TRIDCATY PLUS' (Тридцать Плюс) pens, featuring images of various pen models and promotional text.

Advertisement for MALVIL MCHJ (MALVIL MЧЖ) electronic equipment, including a calculator and other devices, with contact information.

МАТБУОТИМИЗ КАМАРБАСТАСИ

Азиз муштарийлар, муҳтарам ҳамкасблар! Матбуотимиз камарбастаси — «Ўзбекистон матбуоти» журналига 2000 йил учун обуна қабул қилиш давом этмоқда. Журнал тахририятининг келаси йилга мўлжалланган режалари катта. Журнал саҳифаларида оммавий ахборот воситалари түрисидаги қонунларнинг ижроси, журналист кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид муҳтассисларнинг фикр-мулоҳазалари, журналистнинг ҳуқуқ ва бурлари ҳақида қатор мақолаларни чоп этиш мўлжалланган. Шунингдек, муштарийларимиз журнал орқали мамлакатимизнинг етакчи газети ва...

миллий матбуотимиз тарихига оид мақолалар, матбуот шарҳлари, хориж сафаридан қайтган журналистларнинг таассуротлари, ҳамкасбларимизнинг сўз ва ниҳоялари, ишчи-деҳқон мухбирларнинг хат-хабарлари билан ақиндан танишиб бордилар. Журналнинг бу йилги обуна баҳоси бошқа наشرларникига нисбатан жуда арзон қилиб белгиланган. Тошкентликлар учун бир йиллик обуна баҳоси: абонент қўнига - 510 сўм, уй манзилга - 630 сўм. Журналнинг вилотлиги обуна баҳоси ана шу вилотлар матбуот тарқатувчиларининг хизмат...

ҳақидан келиб чиқиб белгиланади. «Элтиб ўтмиш, журнал индекс - 883. Обуна «Матбуот тарқатувчи» епиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Азиз муштарийлар, вақтни қўлдан бой берманг, ҳарқат қилинг. Журналимиз чакана савдода сотилмайди. Журналимизга обуна бўсангиз, биз билан йил давомида ҳамкорчи ҳамнафас бўласиз. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ. «Обуна-2000».

JOB ANNOUNCEMENT №52/99 UNFPA Office in Uzbekistan seeks candidates for the Executive Assistant to UNFPA Resident Representative. Duties and Responsibilities: Under supervision of the Resident Representative, the incumbent will perform the following secretarial functions: 1) Arrange appointments and maintain Supervisor's calendar...

«АҚШ га илмий тадқиқотлар ишлари олиб бориш дастури-2000» Халқаро таълим бўйича Америка ташқилоти (АКСЕЛС) аввал берилган нотўғри ахборот учун узр сўрайди ва эътиборингизни анкеталарни топиширингиз охириги куни - 1999 йил 15 ноябр экилигига қаратади. Бу санадан кечиктириб топирилган анкеталар қўриб чиқилмайди. Барча саволлар бўйича бизнинг офисимизга қуйидаги телефон рақамларига қўнғирқоқ қилишингизни сўраймиз: 152 12 81, 152 12 86.

Ахборотлар узатиш тармоғи миллий оператори УЗРАК - Жаҳон ахбороти сизнинг нигоҳингизда ЭЪЛОН ҚИЛАДИ 1999 йил 10 октябрдан 15 ноябргача INTERNETга боғланиш (Dial-Up ON-LINE) - БЕПУЛ «UZPAK» тармоқларида қайд этиш түлови барча турдаги хизматлар учун 20% арзонлаштирилган нархда Бизнинг телефонлар: 144-82-88, 144-82-87 Тошкент ва барча вилотлар марказлари бўйича

«Наманган почтаси» ҳисдорлик жамиятининг шаҳар ва туман филиалларида келгуси йил учун обуна қилиш паллага юрди. Бу ерда минжолар билан ҳамкорчиликни кенгайтириш, почта-телекоммуникация савдода сотилмайди. Журналимизга обуна бўсангиз, биз билан йил давомида ҳамкорчи ҳамнафас бўласиз.

THE OPEN SOCIETY INSTITUTE ASSISTANCE FOUNDATION UZBEKISTAN and CENTRAL EUROPEAN UNIVERSITY announces a program for University Professors and Professionals in the Social Sciences and Humanities SUMMER UNIVERSITY HUNGARY 2000. The Summer University (SUN) is an academic program for university professors, administrators and professionals. It offers series of intensive two, three or four-week courses in the social sciences and humanities to encourage and promote regional academic cooperation and curriculum development by drawing together young faculty in lectures, seminars and workshops.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раҳбарияти ва котибияти катта референт Нигматулла Журоевич Норхонова қизи Муҳаббат НОРХОНОВАнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этдилар. Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорлиги ва жамоат ташқилотлари институт илмий бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент Хайригдон КАМБАРОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларида чуқур таъзия изҳор этди.

«Народное слово», «Наманган ҳақиқати» газеталари бор. Обуначилар учун ютуқ сифатида видеомониторинг, телевизор, музлаткич, велосипед, гитам сингари қўмандироқ буюмлар қўйилади. Келгуси йилнинг мартабали ўтказиладиган ўинида оммавий обуначи ана шу ютуқлардан бирининг эгаси бўлиш мумкин.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Application must meet the following criteria: Have university degree and hold a teaching job at a university or college in their home country, or work as a professional; Graduate students with teaching experience may also apply; Undergraduates without a university degree will not be considered; Demonstrate a strong command English language to be able to follow lectures and participate in discussions.

М. Қорйқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоаси аҳлиота савдо ва маниий хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи Азиз Эрматовга волида муҳтарамаси Манзура АБДУЛЛАЕВАНING вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАҲХОДИЙ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Қишлоқ ҳўжалиги — 136-37-85; Манашият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0911, 23276 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАГОВ. Навбатчи — М. ЙЎЛДОШЕВА. Мусаҳҳих — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашрият-матбаа концерни босмаҳонаси. «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00 топириш вақти — 23.20 1 2 3 4 5 6